

ТАСДИКЛАЙМАН

Дехқонобод туман Ободонлаштириш бошқармаси

бошлиғи:

Ж. Ҳимматов



БУЮРТМАЧИ:

Дехқонобод тумани Бешбулоқ МФЙ ички йўлини асфалт қилиб жорий таъмирлаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис Сенатининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ—213-IV-сонли қарор, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис Сенатининг 2021 йил 30-июндаги КҚ—377-IV-сонли қарорлари ижросини таъминлаш, Халқ Депутатлари Дехқонобод туман Кенгашининг 2021 йил 4 майдаги “Маҳаллий бюджет маблағларисарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги VI-26-04-сонли қарорига асосан Дехқонобод тумани Бешбулоқ МФЙ ички йўлини асфалт қилиб жорий таъмирлаш

Дехқонобод тумани-2022 йил

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигимнинг "Харид тартиб –тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги" тартиби асосида ишлаб чиқилади.

1. ТАНЛОВ ПЕРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Дехқонобод туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан, Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани "Опен бюджет" дастури асосида Дехқонобод тумани Бешбулок МФЙ ички йўлини асфалт қилиб жорий таъмирлаш учун малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.
- 1.2. Танловнинг охириги қиймати 1 176 498,838 (бир миллиард бир юз етмиш олти миллион тўрт юз тўқсон саккиз минг саккиз юз ўттиз саккиз) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3. Ушбу танлов якунлари бўйича Ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 (бир) ой.
- 1.5. Ишларни бошлаш муддати-буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Дехқонобод тумани Ободонлаштириш бошқармаси (буидан кейин –"Буюртмачи" деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
"Буюртмачи" манзили: *Dehqonobod tumani, Qorashina aholi punkti Gulistonko'chasindeks:180400*
Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.2. Танлов электрон тартибда "Буюртмачи" томонидан ўтказилган ва белгиланган аризалар асосида Харид комиссияси орқали қонунда булгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда Мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:
 - танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги.
 - шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатла;
 - танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
 - уз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
 - танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларининг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);
 - низом маблағи миқдори.
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
 - қайта таъкил этилиш, (ажратилиши, қўшилиш). Тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар: мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.
- 3.5. Танлов иштирокчилари- талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов твклифини тузиш учун буюртмачига (танлов твшкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

“ТАСДИКЛАЙМАН:
Дехқонобод туман Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи

« _ » 2022 йил

Кашкадарё вилояти Дехқонобод тумани Бешбулок МФЙ ички йўлини асфалт қилиб жорий таъмирлаш ишлари бюджет маблағлари ҳисобидан ҳамда лойиха – смета ҳужжатлари ва эълонига ҳулосасига асосан жорий таъмирлаш хизматлари буйича

ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумотлар
1	Маҳсулот ва хизмат номи	Жорий таъмирлаш
2	Буюрмачи	Дехқонобод туман Ободонлаштириш бошқармаси
3	Буюртмачи учун асос	Дехқонобод тумани Бешбулок МФЙ ички йўлини асфалт қилиб жорий таъмирлаш
4	Иш хизматлари Бажариладиган манзил	Дехқонобод туман Бешбулок МФЙ
5	Катнашувчилар учун талаблар	Танлов ҳужжатларида курсатилган ишларни уз вақтида ва сифатли бажариб бериш
6	Тижорат таклифларини таклиф этиш шартлари	Хизмат курсатувчи корхонанинг низом, Гувоҳнома, солиқ ва мажбурий туловлардан қарзи йўқлиги ва йирик солиқ туловчи эканлиги ҳақида маълумотнома, ишчилар руйхати, механизмлар руйхати олдин шу каби объектларда ишларни амалга оширганлиги тугрисида маълумот ёки тавсиянома, ободонлаштириш маъмурият томонидан тасдиқланган ишончнома.
7	Бажариладиган ишлар ҳисоб китоби	Бажариладиган ишлар буйича ҳисоб китоблар тузилган Ф-2 га қараб ва далолатномага мос равишда амалга оширилади.
8	Иш хизмат тури	Жорий таъмирлаш
9	Иш хизматларини бажариш муддати	Шартномага асосан.
10	Техник меҳнат ҳафсизлиги буйича талаблар	Иш хизматларини бажариш жараёнида меҳнат ва техника ҳафсизлиги қойида ва талабларига риоя этиш.
11	Молиялаштириш манбаси	Бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
12	Бажариладиган ишлар қиймати таклифи	1 176 498,838 (бир миллиард бир юз етмиш олти миллион тўрт юз тўқсон саккиз минг саккиз юз ўттиз саккиз) сўм.

Бош ҳисобчи:

Бош муҳандис:

Инфратузилма объектларидан фойдаланиш бўлими бошлиғи:

Ҳисобчи-иктисодчи:


Ободонлаштириш объектларини сақлаш бўлими бошлиғи.

 Ш.Абдулазизов

 С.Жонимқулов

 Ж.Жаббаров

 Ш.Холбоев

 Х.Дусматова